

# Turkiston

1925-yildan chiqa  
boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati  
Markaziy Kengashining nashri

[www.turkiston.uz](http://www.turkiston.uz)

2013-yil 24-aprel, chorshanba  
№ 30 (15668)

## ЁШ ОЛИМЛАР АНЖУМАНИ

Ёшлар ижод саройида ёш олимларнинг тибиётнинг долзарб назарий ва амалий масалаларига бағишиланган II илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Тошкент тибиёт академияси, «Ҳаёт учун!» кўкрак бези саратони миллий уюшмаси, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази ҳамкорлигига ташкил этилди.

Тошкент тибиёт академияси ректори Ш.Каримов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда тиббий таълимнинг давр талаби даражасида таомиллаштираётгани халқимиз саломатлигини муҳофаза қилишда мухим омил бўлаётганини таъкидлади. Ёш олимларнинг иккинчи марта ўтказилаётган мазкур анжуманидан кўзланган асосий мақсад ҳам тибиёт йўналишидағи олий таълим даргоҳларида олиб борилаётган илмий тадқиқотларни атрофлича таҳлил этиш, талабалар ва ёш тадқиқотчиларнинг илмий фаолияти, хорижий тилларни ўзлаштиришини рағбатлантиришдан иборатdir.

Бугун мамлакатимизда олий тиббий таълим тизимишнинг бакалавриат босқичида умумий амалиёт, магистратурада 46 мутахассислик бўйича шифокорлар тайёрланмоқда. Талабалар, тадқиқотчилар хорижий тилларни пухта эгаллаб, чет тиллардаги илмий манбалар ва адабиётлардан кенг фойдаланмоқда.

«Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази, «Ҳаёт учун!» кўкрак бези саратони миллий уюшмаси, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан илм-фаннынг турли соҳалари билан бирга тибиёт йўналишида илмий изланаётган ёшларнинг лойиҳаларини кўллаб-куватлаш, мазкур тадқиқотлар аҳамиятини тарғиб этиш юзасидан қатор ишлар амалга оширилмоқда. Ёш тадқиқотчиларнинг илмий изланишлари юртимизда ҳар йили ўтказилаётган Республика инновацион гоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасида намойиш этилмоқда.

Анжуманда ёш олимлар томонидан олиб борилаётган илмий тадқиқотлар тақдимоти, истиқболли изланишлар тағсилотига оид маъruzalar тингланди. Энг яхши илмий тадқиқот муаллифлари тақдирланди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Боз вазири нинг ўринбосари А.Икромов сўзга чиқди.

Назокат УСМОНОВА,  
ЎЗА мухбари



Сардор Муллахонов фотоколажи

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲҚАМАСИННИГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АҲБОРОТ

2013 йил 23 апрелда Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил биринчи чорагида республикани ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунларига ҳамда шу йил 18 январда республика Хукумати маҷлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган 2013 йилги иктисодий дастурнинг энг мухим йўналишлари ва устувор вазифалари амалга оширилишини баҳолашга бағишиланган маҷлиси бўлиб ўтди.

Маҷлисда мамлакатни ривожлантиришнинг белгиланган макроиктисодий кўрсаткичларига эришишни таъминлаш, энг аввало, иктисодиёт тармоқлари ва соҳаларини жадал модернизациялаш ва ривожлантиришнинг қабул қилинган дастурларини аниқ мақсадга йўналтирилган ҳолда амалга ошириш ҳисобига иктиносидётнинг рақобатбардошлигини ошириш ҳамда уни таркибий ўзгартирishларни чукурлаштириш, шунингдек, аҳоли бандлиги ва фаровонлигини ошириш

ни таъминлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг натижалари ҳар томонлама кўриб чиқилди ва чукур таҳлил қилинди.

Қайд этиб ўтилдики, жаҳон иктисолидётида давом этा�ётган инқизороли ҳолатларга қарамай, иктисолидётни модернизациялаш ва унинг рақобатбардошлигини ошириш дастурининг тизимли ва изчил амалга оширилиши туфайли макроиктисодий барқарорликни ва республика иктисолидётини ўстиришнинг барқарор суръатларини сақлаш таъминланмоқда. Жорий йилнинг биринчи чорагида мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти 7,5 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 6 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етишириш — 6,2 фоизга, курилиш ишлари — 13,2 фоизга ўсди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,4 фоиз микдоридаги профицит билан ижро этилди. Инфляция даражаси прогноз параметларидан ошмади.

Ички талабни рағбатлантириш ва ички бозор-

ни рақобатбардош маҳаллий маҳсулотлар билан янада кўпроқ тўлдириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 9,4 фоизга, чакан товар айланмаси 13,1 фоизга ва хизматлар ҳажми 9 фоизга кўпайди. Хизматлар кўрсатиш соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ўтган йилдаги 52,1 фоизга ўрнига 52,5 фоизгача ўсди. Маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини 40,4 фоизга ўстириш таъминланди, импорт ўрнини қоплашнинг ҳисоблаб чиқилган самараси 1,0 миллиард АҚШ долларини ташкил қилди.

Энг аввало, иктисолидёт тармоқларини жадал ривожлантиришга ва модернизациялаш кўламларини кенгайтиришга йўналтирилган фаол инвестиция сиёсатининг амалга оширилаётганилиги, ўзлаштирилган инвестициялар ҳажмининг 7,2 фоиз, шу жумладан хорижий инвестициялар ҳажмининг 35,5 фоиз ўсишига кўмаклашди, уларнинг қарийб 84 фоизини

тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ташкил қиласди. 587 та ишлаб чиқариш обьекти фойдаланишга топширилди, шунингдек, умумий қиймати 4,3 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган 114 та янги инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бошланди.

«Обод турмуш йили» Давлат дастури тадбирлари фаол амалга оширилмоқда. Уларни молиялаштиришга жорий йилнинг биринчи чорагида барча манбалар ҳисобидан 1,3 триллион сўм мидорида маблағлар йўналтирилди.

Вазирлар Маҳкамаси маҷлисида саноат тармоқларини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариши диверсификациялаш, рақобатбардош маҳсулотларнинг янги турларини ўзлаштириш ҳамда уларни экспортга етказиб бериш ҳажмлари ва турларини кўпайтириш дастурларининг бажарилишини муфассал таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратилди.

(Давоми 2-бетда)

## Саҳна залдан баланд

«Ёшларни тўғри йўлга бошлашда панд-насиҳат билан киғояланиб бўлмайди. Эзгуликни, юртпарварликни, инсоний фазилатларни камол топтиришга хизмат қиладиган амалий ишлар қилиш керак. Ана шундай амалий тарбия омилларидан бир театрдир. Театр давр билан ҳамнафас яшаётган, ҳаёт синовларида тобланган фидойи инсонлар ҳақида ҳикоя қўйувчи асарларни саҳнага олиб чиқиши зарур.»

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2010 йил 30 авгуистда «Бухоро маданий маркази» маҷмууда вилоят мусиқали драма театри очилишида айтган бу фикрлари ўзбек театр санъати ривожида янги босқични бошлаб берди.

Бугун кўплаб давлатларда театр санъати ўз ўрнини шоу-бизнесга бўшатиб бераётган бир пайтда ўзбек саҳна санъатига талабу эҳтиёж камайгани йўқ. Негаки, саҳна жонли жараён. Унда истеъодд ва истеъодсизлик яққол намоён бўлади. Зотан, театр санъати тасаввур ва тафқур хосиласи, маънавий юксалиш воситасидир.

(Давоми 5-бетда)

(Давоми,  
боши 1-бетда)

Мұхокама давомида «Ўзбек-нефтгаз» миллий холдинг компанияси, «Ўзқимёсаноат», «Ўзбекенерго», «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компаниялари, «Ўзфармсаноат» давлат концерни, «Ўзэлтексаноат» уюшмаси ҳамда қишлоқ ҳұжалиги машинасозлигининг бир қатор корхоналари раҳбарлари олдига айрим инвестиция лойихаларини амалга оширишда ва янги ишлаб чиқарыш объектларини ўз вақтида фойдаланишга топширишда йўл қўйилган қолокликни бартараф этиш юзасидан қатъий талаблар қўйилди.

Мажлисда фойдаланилмаётган резервларни ва ишлаб чиқарыш қувватларини ишга солиш, кайта ишлаш тармоқларини, курилиш индустриси ва хизматлар кўрсатиш соҳаларини жадал ривожлантириши ҳисобига худудларни комплекс ривожлантириши таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан берилган топширикларнинг ижроси ҳолати кўриб чиқилиб, бағтафсил таҳлил қилинди. Қайд этиб ўтилдики, фойдаланилмаётган резервлар ва ишлаб чиқарыш қувватларини танқидий баҳолаш юзасидан Иктисодиёт вазирлиги томонидан маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, вазирликлар ва хўжалик бирлашмалари билан биргаликда амалга оширилган ишлар натижасида тармоқ ва худудий ривожлантириши ўзаро мустаҳкам боғлашни таъминлаган ҳолда худудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг ўртача муддатли дастурларига тузатишлар киритилди.

Мұхокама давомида барча даражадаги ҳокимликлар, тармоқлар, корхоналар ва Иктисолиёт вазирлиги раҳбарлари олдига фойдаланилмаётган резервлар ҳамда қувватларни аниқлаш ва сафарбар этиш самарадорлигини янада оширишга, шунингдек, худудларни иж-

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АҲБОРОТ

Тимоий-иктисодий ривожлантиришнинг ўртача муддатли дастурлари параметрлари ва тадбирларининг бажарилишини сўзсиз таъминлашга йўналтирилган вазифалар қўйилди.

Мажлисда йўл-транспорт ва коммуникация инфратузилмасини, қишлоқ жойларида намунивий лойихалар бўйича замонавий уй-жой курилишини жадал ривожлантириш дастурлари амалга оширилишини таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Қайд этиб ўтилдики, жорий йилнинг биринчи чорагида Ўзбекистон Миллий автомагистрални таркибига кирувчи автомобиль йўлларини куриш ва реконструкция қилиш бўйича жами 62 миллиард сўмлик ишлар бажарилди. Кўкон шахрини айлануб ўтвучи «Тошкент-Ўш» автомобиль йўлнинг 42 километрли қисмини реконструкция қилиш туталланди, 45 километр темир йўллар қайта тикланди.

Мұхокама давомида «Ўзат-тойўл» давлат-акциядорлик компанияси, Республика йўл жамғармаси, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларини раҳбарлари зиммасига умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари ва аҳоли пунктлари кўчаларидағи йўл-курилиш таъмиглаш ишларини, шунингдек, Ўзбекистон Миллий автомагистрални бўйлаб йўлбўйи инфратузилмаси ҳамда сервис объектларини куриш ва фойдаланишга топширишни жадаллаштириш, бажарилаётган ишларнинг сифати юзасидан назоратни кучайтириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар кўриш юкланди.

Мұхокама давомида барча даражадаги ҳокимликлар, тармоқлар, корхоналар ва Иктисолиёт вазирлиги раҳбарлари олдига фойдаланилмаётган резервлар ҳамда қувватларни аниқлаш ва сафарбар этиш самарадорлигини янада оширишга, шунингдек, худудларни иж-

лоқатида алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистон Республикаси алоқа, аҳборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси раисининг, энг аввало, идоравий аҳборот ресурсларини ва маълумотлар базаларини шакллантириш, идоралараро айирбошлиши ташкил этиш ва интерфаол давлат хизматлари кўрсатиш ҳамда интернет-сайтларни ривожлантириш ҳисобига замонавий аҳборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш бўйича вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва йирик корхоналарнинг маҳсус бўлинмалари фаолиятини самарали ташкил этиш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақидаги ҳисботи эшилди. Вазирлар Маҳкамаси комплекслари раҳбарларига «Электрон ҳукумат» тизимини шакллантиришнинг комплекс дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириши, тадбиркорлик субъектлари ва аҳолига интерфаол давлат хизматлари кўрсатишнинг электрон шакллантиришни жорий этишини алоҳида назоратга олиш топширилди.

Вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, йирик корхоналар, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларини раҳбарларининг эътибори уларнинг фаролиятига замонавий аҳборот-коммуникация технологияларини жорий этиши кўламларини кенгайтириш ҳамда чуқурлаштириш, энг аввало, замонавий идоравий аҳборот ресурслари ва маълумотлар базаларини шакллантириш, сифатли идоралараро айирбошлиши ташкил

етиш, интерфаол давлат хизматларини ривожлантириш зарурлигига қаратилди.

Алоҳида таъкидлаб ўтилдики, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Замонавий уй-жой қурилиши — қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили» мавзуиси шу йил 17 апрелда Тошкент шаҳрида ўтказилган ҳалқаро конференциядаги маъруzasidan келиб чиқадиган кўрсатмалар барча даражадаги ҳокимликлар, тегиши вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ҳамда корхоналар раҳбарларидан қишлоқларни тубдан қайта ўзгартиришга, қишлоқ аҳолиси ҳаётидаражаси ва сифатини янада изчилиши оширишга, уларни замонавий стандартларга яқинластиришга йўналтирилган ишларни кучайтиришни талаб қилади. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимиёт органлари, «Қишлоқ курилиш инвест» компанияси ва «Қишлоқ курилиш банк» акциядорлик-тижорат банки раҳбарларига жорий йилда фойдаланишга топширилиши назарда тутилган қишлоқ жойларида намунивий лойихалар бўйича 10 мингта янги уй-жойлар қурилишини жадаллаштириш юзасидан аниқ топширилди.

2013 йилда иш ўринлари ташкил этиши ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг мақсадли параметрларини сўзсиз бажариш, шунингдек, касб-хунар коллежлари битирувчиларни ишга жойлаштириши ташкил этишига алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу маса-

ла бўйича меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири, Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими маркази директори, Тошкент шаҳар ва Қашқадарё вилояти ҳокимларининг хисботлари эшилтилди. Қайд этиб ўтилдики, кўрилган аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар натижасида жорий йилнинг биринчи чорагида республикада 250,4 мингта янги иш ўринлари ташкил этилди, уларнинг 150 мингтадан кўпроғи ёки қарийб 60 фоизи қишлоқ жойлардадир.

Бунда вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари эътибори касб-хунар коллежларининг 501 минг нафардан кўпроқ битирувчиларни ишлаб чиқариш амалиётини ўташ ва уларни келгусида ишга жойлаштириши таъминлаш учун аниқ корхоналар ва ташкилотларга бириктириш борасида улар томонидан амалга оширилаётган ишларнинг ҳолатига қаратилди.

Маҳаллий ижро этувчи ҳокимиёт органлари, вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари олдига янги иш ўринлари ташкил этиш ҳамда аҳоли бандлигини ошириш, шунингдек, касб-хунар коллежлари битирувчиларни эгаллаган ихтисосликларига мувофиқ ишга жойлаштириши таъминлаш учун мавжуд резервларни сафарбар этиш юзасидан аниқ вазифалар қўйилди.

Кун тартибидаги масалалар бўйича республика вазирликлари, идоралари, хўжалик бирлашмалари, йирик корхоналари ва вилоятлар ҳокимликлари раҳбарлари сўзга чиқдилар. Республика Ҳукумати мажлисига киритилган масалаларни мұхокама қилиш якунлари бўйича 2013 йилда мамлакатини ижтимоий-иктисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифалари бажарилшини таъминлаш чора-тадбирлари белгиланган тегиши қарорлар қабул қилинди.

ЎЗА



Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ташкил этилганлигининг 95 йиллигига багишиланган конференция бўлиб ўтди. Университетда ташкил этилган илмий-амалий конференцияда профессор-ўқитувчилар, илмий ходимлар ва талabalар иштирок этди.

## Диққат марказида — адабиёт

Конференцияда ўзбек филологияси факультети декани, профессор Нурбой Жабборов, профессор Баҳодир Каримовнинг чиқишилари ёш тадқиқчиларда чукур таассурот қолдири.

Иктидорли талabalарнинг мәръузалари анжуманинг асосий қисмини ташкил этди.

— Мен конференцияда «Ёш носирлар қиссаларида бадий синкремтизм» мавzuидаги маърузам билан қатнашдим, — дейди ЎзМУ ўзбек филологияси факультети магистранти Ферузада Холова. — Университетда бундай конференцияларни ўтказиб турниш анъанаси бор ва уларнинг аҳамияти биз, талabalар учун катта. Тенгдошларимиз мустакил фикрлай олиши, ташабbus-корлиги, баркамоллиги фақатгина унинг билим даражаси билан эмас, балки соғ туйгулар ва гўзал ахлоқ эгаси бўлиши билан ҳам белгиланади. Бу борада бадий адабиётнинг ўрни бекиёс. Бугун биз ўқиган асарларимиз борасида ўзаро фикрлашдик. Конференция охирида устозимиз, филология фанлари номзоди Узоқбой Жўракулов ютуқ ва камчиликларимиз ҳақида гапириб, талabalарнинг илмга жиддий ёндашаётганини таъкидлайдилар. Албатта, бу фикрлар бизни янада рухлантиради. Бу каби тадбирлар биз, ёшларнинг кейинги ўқиш, иш фаолиятимизда яхши натижалар беради.

Ўтказилган мазкур конференция талabalарни қизгин баҳс-мунозарага чорлаб, уларнинг адабиётга, маънавиятга бўлган қизишиларини янада ошириди.

**Майсара НАЗАРОВА,**  
«Turkiston» мұхбири

## Ёшлар сенаторлар даврасида

«Камолот» ЁИҲ Тошкент вилояти кенгашининг бир гурӯҳ фаол ёшлари ҳамда Ҳалқ демократик партияси вилоят кенгashi «Ёшлар қаноти» аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида бўлишини оширишни таъминлаштиришни жадаллаштириш, бажарилаётган ишларнинг сифати юзасидан аниқ топширилди.

Улар Олий Мажлис Сенатида фаолияти, мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар мөхияти, қабул қилинаётган қонунлар ва уларнинг аҳамияти ҳақида ха-

бардор бўлишиди. Дастлаб ёшларга Сенат биноси, ялпи мажлис ўтказиладиган зал, Сенат биносининг музей таништирилди. Шундан сўнг Олий Мажлиси Сенатининг фан, таълим, маданият, спорт қўмитаси раиси М.Хўжамбердиев ҳамда агарар, сув, қишлоқ ҳўжалиги қўмитаси раиси X.Каримов билан учрашув ўтказилди. Учрашувда Сенат фаролияти, сенаторлар вазифаси, фан, таълим, маданият ва спорт йўналишида амалга оширилаётган ислоҳотлар аниқ мисоллар ёрдамида тушунириб берилди. Шунингдек, ёшлар Олий

## Қўёш энергияси: тажрибалар, муаммолар...

Тошкент алоқа касб-хунар колледида умумтаълим фанлар кафедрасининг физика, кимё, биология, география фанларидан очиқ ёшликлар ойлиги ўтказилмоқда.

Ойлик доирасида «Қўёш энергиясидан фойдаланиш йўллари ва муаммолари» мавзуида семинар ташкил этилди. Унда коллеж ўқувчи ва ўқитувчилари, физика ва энергетика бўйича олимлар ҳамда амалиётчилар иштирок этди. Семинар

нарда қўёш энергияси, уни қабул қилиш усууллари, қўёш батареяларидан фойдаланиш йўллари ҳақида маърузалар ўқилди.

Тадбир давомида қўёш батареяларининг ижобий ва салбий томонлари, мамлакатимизда ушбу тажрибани амалга ошириш билан бояғлик масалалар ҳамда келгусида қилиниши лозим бўлган чора-тадбирлар мұхокама қилиниб, тажрибалар алмашилди.

Семинар сўнгидаги қўёш энергиясидан самарали фойдаланиш йўллари ва муаммоларни ҳал этишига қаратилган таклифлар билдирилиб, зарурий тавсиялар ишлаб чиқдилди.

**Малика АХМЕДОВА,**  
Тошкент алоқа касб-хунар колледи  
ўқитувчisi



Fan oyliklari



# Ҳар ишда намунали

Қайси ташаббусни амалга оширмасин, ишни, аввало, ўзидан бошлайди, ўзи биринчи бўлиб бошқаларга ўрнак қўрсатади. Бир сўзли йигит. Ҳар ишда фаол, жонкуяр. Буларнинг бари Зуҳроб Матмуродов ҳақида.

Зуҳроб билан Урганчда танишдик. У Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиалининг 5-курс талабаси. 2010 йилдан бўён олий таълим мусассасасидаги «Камолот» ЁИХ бошлангич ташкилоти етакчи-си сифатида фаолият қўрсатмоқда. Хива тиббиёт коллежида ўқиб юрганидаёқ ёшлар ташкилотига аъзо бўлган.

Суҳбатимиз Ҳаракат ташкил этилган кун арафасида бўлгани учунми, Зуҳроб сўзини шу мавзудан бошлади.

— «Камолот» биз учун кенг имкониятлар беради, — дейди етакчи. — Бу ерда ҳар ким ўзини қайсири фаолият турнида синаб кўриши мумкин. Масалан, мен академияга ўқишга киргач, тиббиёт соҳасида ортирган билимларимни жамоатчилик, аввало, бошқа тенгдошларим билан ўртоқлашишни, улар учун саломатлик, соғлом турмуш тарзи соҳаларида қизиқарли ва фойдали лойиҳалар ташкил қилишни жуда хоҳлардим. Қандай қилиб, деган савол аввалига мени жиддий ўйлантириб қўйди. Кейин эса, буни Ҳаракатнинг бошлангич ташкилоти орқали бемалол амалга оширса бўлади, деган хulosага келдим. Ўзим ташаббус билдириб, БТ етакчилигига номзодимни қўйдим. Менга ишонч билдиришиди, етакчи қилиб сайлашди.

— Дарсдан сўнг талабалар-

нинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш — муҳим масала, — давом этади Зуҳроб. — Ишни шундан бошладим. Филиалда хирургия, болалар хирургияси, терапия, онкология, ёш гинеколог сингари фан тўгараклари ишлаб турибди. Шунингдек, кўпчилигимиз тил ўрганишга қизиқамиз. Шу боис мен етакчи сифатида рус ва инглиз тиллари, шунингдек, қизлар учун тикувчилик тўгаракларини очиш таклифи билан чиқдим. Ташаббусимни «Камолот» ЁИХ вилоят кенгаси кўллаб-куватлади.

Айни пайтда Тошкент тиббиёт академиясининг Урганч филиалида 955 нафар талаба Ҳаракатнинг бошлангич ташкилотига аъзо. Мутахассисликларидан келиб чиқсан ҳолда БТ фаоллари асосий ўтиборни ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга қартишади.

— Яқинда «Камолот» кўчма кубоги учун футбол турнирини ўтказдик, — дейди Зуҳроб Матмуродов. — Унда ҳар бир курсдан иккитадан — жами 14 та жамоа иштирок этди. Шу ойда спартакида ўйинларини ўтказиши режалаштирганмиз. Бундан ташқари, бизда йил бўйи волейбол, баскетбол, стол тениси, шахмат-шашка мусобақалари бўлиб ўтади.

Яна бир қизиқ тафсилот. Ка-шандаликка қарши курашиш гу-

рухини Зуҳробнинг ўзи бошқарди. Унинг талабалар орасида тамаки чекиш сабабларини ўрганиш бўйича илмий тадқиқот олиб борганини ҳам айтиб ўтиш ўринли. 2010 йилда ушбу илмий иши филиал талабалари илмий жамияти томонидан ўтказилган конференцияда 1-ўринга лойик кўрилганди.

— Ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш мақсадида 12 нафар энг фаол аъзомиздан иборат тарғибот гурухини шакллантиридик, — дейди суҳбатдошимиз. — Ҳар ҳафта вилоятдаги мактаб, ўрта маҳсус ҳамда олий таълим мусассасаларида давра суҳбатларини ўюстирамиз. Мавзулар кўлами кенг — ОИТС, гиёх-вандлик, репродуктив саломатлик, эрта никоҳнинг салбий оқибатларигача. Ҳар бир мавзуз юзасидан слайд ва тарқатма материаллар тайёрланган. Ёшлар билан бундай тарғибот ишларини «тengdoш-tengdoшга» усулида, улар учун тушунарли тилда олиб боришига ҳаракат қиласиз. Масалан, менинг чекиш бўйича тайёрлаган слайдим бор. Унда ўкув амалиёти давомида ўзим суратга олган кашанданинг ички органлари, айниқса, деярли чириб бўлган ўлқасининг расмини жойлаштирганман. Бу слайдни кўрсатиб, ёшларга тарқатиб қўйдим этамиз. Ўтган йили 15 нафар талабага бир йиллик контракт пулининг ярми маддий ёрдам тариқасида тўлаб берилди. Бу йил яна саккиз нафарига ёрдам қўрсатиш режалаштирилган.

айтиб беради.

Тарғибот тадбирлари-дан ТТА Урганч филиали тала-баларининг ўзла-ри ҳам четда қолаётгани йўқ. Бошлангич ташкилот ташаббуси билан филиалдаги талабалар тураржойида ҳар оқшом тиббиётнинг турли соҳалари бўйича тақдимот-семинарлар бўлиб ўтади. Бундай тад-бирларни ўтказиши учун ҳар бир кафедрадан жами 30 нафар ўқитувчи масъул этиб белгиланган.

— Талабаларнинг муаммоларини ечишда ҳам ёрдамлаша-сизларми? — деб сўрадик Зуҳроб Матмуродовдан.

— Албатта, айниқса, чин етим ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтоҳ оиласалар фарзандлари-га маддий ёрдам қўрсатилади. Ҳар ўкув йилининг бошида бундай талабаларнинг рўйхатини шакллантириб, вилоят ҳокимлигига тақдим этамиз. Ўтган йили 15 нафар талабага бир йиллик контракт пулининг ярми маддий ёрдам тариқасида тўлаб берилди. Бу йил яна саккиз нафарига ёрдам қўрсатиш режалаштирилган.

— Кўпдан бўён бир гояни амалга ошираман, деб юрибман, — дейди Зуҳроб сўзини



якунлар экан. — Хозир талабаларга шахсий ноутбук жуда керак. Бироқ ҳамма ҳам уни сотиб ололмайди. Талабаларга компьютер техникасини харид қилишлари учун имтиёзли кредитлар ажратилса, ёмон бўлмасди. Суришириб кўрсам, тижорат банкларининг ҳеч бирда бундай кредит тури жорий қилинмаган. Ташаббусни «Камолот» ЁИХ орқали кўтариб чиқяпман. Ниятим — филиалимиздаги ҳар бир талабани биттадан портатив компьютер билан таъминлаш.

**Наргиза УМАРОВА,  
«Turkiston» мухбири**

(Материал «Камолот» ЁИХ Хоразм вилояти кўмагида ташкил қилинган медиатур лойиҳаси доирасида тайёрланди.)



Тошкент вилояти педагогика колледжида Ўзбекистон халқ артисти, академик Юнус Ражабийнинг 115 йиллигига бағишлиб «Санъатга бахшида умр» деб номланган бадиий кечада бўлиб ўтди.

## Ибратли умр

Унда Ўзбекистон халқ артисти Обид Юнусов, халқ ҳофизи Ҳасан Ражабий, Ўзбекистонда хизмат қўрсатган артист Тоҳир Ражабий ҳамда хонанда Азиз Ражабий межмон бўлди.

Кечада аввалида Юнус Ражабий яратган мумтоз мақом кўшиқлари янгради. Сокин оҳанглари билан киши руҳиятига ором бахш этувчи куй-кўшиқлар янгради, буюк санъаткор ҳаёти ва ижоди ёдга олинди. Хотира — ўйонса гўзал. Юнус Ражабий ҳақидаги қизиқарли маълумотларни ҳикоя қилиб берганлар кечада файзли ўтишини таъминлашди. Тадбирда иштирок этганлар ёшларни қизиқтирган саволлар, уларни ўйлантираётган муммоловар хусусида ҳам тўхтадилар.

— Бугунги кунда ўтмиш аждодларимиздан мерос бўлиб келаётган миллий мақомларимизга ёшлар бирор совуқонлик билан қараётгандай, — дейди Ўзбекистон халқ артисти Обид Юнусов. — Айрим ёш хонандаларнинг санъатга енгил қарашлари ҳам дилни ранжитади. Санъатга, мақомларга шу йўсунда муносабатда бўлсак, келажак авлод бизни кечирмайди.

«Шашмақом»га унтутилмас умр ҳадя этган буюк санъаткор Юнус Ражабийга «Шашмақом» ҳам унтутилмас умр бахш этди. Санъаткорнинг ўғли Ҳасан Ражабий саъй-ҳаракати билан Юнус Ражабий ҳақида китоб тайёрланяпти. Ҳадемай, ушбу китоб санъат шинавандлари кўлига етиб боради. Зоро, буюк инсонлар, ноёб асарлар ҳақида ёшларимиз ҳам етарли маълумотларга эга бўлса, фойдадан холи бўлмайди.

**Майсара НАЗАРОВА,  
«Turkiston» мухбири**

## Кўчма тўгараклар чорлайди

Жиззах вилоятининг Янгибод туманида ёшлар билан ишлаш яхши ўйла қўйилган. Буни туман ёшларининг хатти-ҳаракатидан, интилишларидан илғаш қийин эмас. Туманинг ёшлар билан гавжум маскани «Камолот» ЁИХ туман кенгаси қошида фаолият қўрсатётган «Ёшлар ижтимоий ҳизматлари» марказидир. Бу ерда замонавий билимларга — чет тилларга, компьютерга қизиқадиган кўплаб ёшларни учратиш мумкин. Шу боис бу марказда иккита — инглиз тили ва компьютер саводхонлиги тўгараклари фаолият қўрсатади.

— Тўгаракларимиз ёшларнинг айнан истагига мос келади, — дейди Ҳаракатнинг туман кенгаси раиси Наимжон Муқимов. — Бугунги кунда ёшларимиз орасида тўгаракларга қизиқиш тобора ортмоқда. Жорий йилнинг биринчи чорагида инглиз тили тўгаракида 35 нафар, компьютер саводхонлиги тўгарагида 39 нафар ёш қатнашиб, уч ой давомида ўз билимини ошириди. Ёшлар керакли билим ва кўникмага эга бўлди. Инглиз тилидан яхшигина билимга эга, олий маълумотли мутахассис Сирож Раимов инглиз тили тўгараги координаторидир. Ундан сабоқ олган ёшлар олий таълим муассасаларига кириб, инглиз тилини янада чукур ўрганишга қарор қилишган. Бугунги кун талабини яхши англашган шундай

ёшлар кўплигини кўриб, қувонасан, киши.

— Тўгаракка келган ёшларга, аввало, «Камолот» ҳақида батағсил маълумот бериларкан. Ана шу жихат тўгарак аҳамиятини янада бойитган, — дейди Баҳром. — Компьютер бўйича билимларим жуда саёз эди. Бу ердаги тўгаракка келиб, компьютерда ишлашни ҳар томонлама чукур ўргандим. Айниқса, бошлангич ташкилотимиз томонидан қилинган ишлар ҳақидаги турли маълумот ва ҳисоботларни қандай ёзиш кераклиги ҳақидаги кўникмага ҳам эга бўлдим.

Наимжон Муқимовнинг айтишича, ички ишлар бўйлимида профилактика ҳисоботда турувчи ҳар бир бола иккичи чоракда тўгаракларга жалб қилинади. Бундан ташқари, келгуси чоракда кўчма тўга-

раклар ташкил этилади. Шубҳасиз, ана шунда «Камолот» ҳар бир қишлоққа амалий тарзда кириб бораётганигини англай бошлайди. Айни шу кунларда марказ билан тумандаги 1-давлат ихтисослаштирилган умумтальим мактаби ўртасида кўчма тўгарак ўтказиши бўйича ижара шартномаси тушиб қўйилган.

— Ўтган йили ушбу тўгаракларга жами 297 нафар ёш қатнашган бўлса, учинчи чоракнинг ўзидаёт бу кўрсаткини 300 нафардан ошироқчимиз, — дейди Наимжон.

Марказ факат тўгарак фаолияти билангина чекланиб қолгани йўқ, албатта. Туман кенгаси томонидан ўтказиладиган тадбирларда туман ёшлари қаторида тўгарак аъзолари ҳам жуда фаолдорdir. Улар «Жиноятга жазо муқаррар», «Хукуқбузарлик ва жиноятчиликка қаршимиз», «Гиёхвандлик — умр заволи», «Биз, ёшлар ОИТСга қаршимиз», «Дин ва жамият» каби тадбир ва давра суҳбатларида қатнашиб, ўз фаолликларини намоён этишади. Тумандаги 12-мактаб ўкувчиси Жавоҳир Курбонбоев, 1-давлат ихтисослаштирилган мактаби ўкувчиси Юлдуз Сувонбердиеva, коллеж ўкувчиси Баҳром Муқимов ана шундай ёшлардан.

**Шоди ОТАМУРОД,  
«Turkiston» мухбири**



# Саҳна залдан баланд

(Давоми, боши 1-бетда)

## ЯНГИЛАНИШ НАФАСИ

Мамлакатимизда бугун 37 професионал театр фаолият юритмоқда. Улар саҳна санъатининг деярли барча илғор йўналишини қамраб олган.

— Мустақилликнинг илк йиларида театрлар биноси эскирган, маошу қалам ҳақи кескин камайган, оддий декорация ясаш ҳам катта муаммога айланганди, — дейди «Ўзбектеатр» бирлашмаси бош директори Омонулла Ризаев. — Собиқ тузум мағкураси қолипига солинган спектакллар саҳнадан тушиши ва репертуарлар бўшаб қолиши оқибатида ўзбек театрининг мавжуд салоҳиятини йўқотиб қўйиш хавфи юзага келганди. Шундай мураккаб вазиятда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида театр санъати изчил қўллаб-кувватлани: 1992 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ўзбек театрининг мақоми белгиланди. 1995 йил 20 октябрда давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистонда театр ва мусиқа санъатини янада ривожлантиришни қўллаб-кувватлаш ва рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармон асосида «Ўзбектеатр» бирлашмаси ташкил этилди.

Ўтган йиллар давомида Ўзбекистонда, бошқа кўплаб давлатларда бўлганидек, труп-палар тарқаб кетмади. Аксинча, Сурхондарё вилоят ўзбекистонда, «Дийдор» театр-студијаси каби янги театрлар ташкил этилди. Ўзбек Миллий академик драма, Ўзбекистон академик рус драма театрлари, Андижон, Самарқанд, Хоразм, Жиззах вилоятлари ва Коқақалпогистон драма театрлари биноси янгидан барпо этилди. Шу кунларда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрида кенг кўламли реконструкция ишлари олиб борилмоқда.

Ўзбек театри ривожига катта хисса кўшган кўплаб санъаткорларнинг юбилейлари нишонланиб, юксак давлат мукофотлари билан тақдирланмоқда. Тарихда биринчи марта актёрга — Зикир Муҳаммаджонова ўзбекистон Қаҳрамони увони берилди.

Истиқлол йилларида «Биз киммиз, кимларнинг авлодларимиз» фояси билан йўғрилган қатор янги спектакллар яратилди. Илк бор Амир Темур, Бухорий, Фарғоний, Термизий, янги талқиндаги Алишер Навоий, Абу Али ибн Сино, Бобур образлари саҳнага чиқди. Бу, аввало, ҳалқимизнинг миллий фурури, қадди ва қадрини тикашга, юксалтиришга хизмат қилди.

Маълум вақт ўтиб, театрларнинг аҳволи ўнгланиб, ҳалқимиз турмуш шароити, онгу тафаккури ўзгарди. Томошабинлар театрларга юксак савиядаги асарлар эҳтиёжи билан

қайта бошлади. Глобаллашув шароитида шунга муносиб маънавий озуқа топиб бериш, томошабинлар савияси ва маданиятини юксалтириш фоят мухимдир. Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил Бухорода театр санъаткорлари билан учрашувда айтган фикрлари — мурожаати, биринчи галда, ана шу жиҳати — ёшлар қалбини асрашга йўналтирилганлиги билан тарихий аҳамиятга эга.

## ЯШАРАЁТГАН САҲНА

«Ўзбектеатр» бирлашмасидан маълум қилишларича, театрларимизда ҳар йили ўртacha 150 янги асар саҳналаштирилмоқда. Кейинги уч-тўрт йилда асарлар савиясини ошириш учун «Theatre.uz», «Сени куйлаймиз, замондош!», «37+1», «Хумо», «Сарҳисоб», «Дебют», «Қўғирчоқ театрлари» каби кўрик-фестиваллар ўтказилмоқда. Биринчи марта режиссёrlар билан «Лойиҳалар асосида ишлаш» амалиёти йўлга қўйилди. Бунинг самарасида театрларимизда жанрлар, мавзулар хилма-хиллиги ва мувозанати бир маромга кела бошлади.

Театрларимиз ижодкорлари янги спектакллари билан Франция, Германия, Хитой, Жанубий Корея, Япония, Миср каби қатор мамлакатлarda ўтказилган халқaro фестиваллarda иштиrok этиб, соvrinli ўринларни олди.

Бироқ ўзбек театрида ҳали қашшф этилмаган ижодий қўриклиар кўп. Мутахассисларнинг таъкидлашича, бу ўзбек театр санъатида авлодлар алмашуви кечеётгани билан боғлиқ.

Бугун ҳар бир театрда камиди икки-уч навқирон ва истеъоддли режиссёр ишлаетгани, улар ўз ижодий жамоасини тузаетгани саҳна санъатимизнинг ёртанги равнақига катта умид ва ишонч бағишлиайди. Масалан, ўтган йили Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида Асқар Холмўминов саҳналаштириган «Искандар», Бухоро вилоятида мусиқали драма театрида Аброр Ортиков саҳналаштириган «Майсаранинг иши», Олим Xўжаев номидаги Сирдарё вилоят мусиқали драма театрининг Нигора Исмоилова режиссёrlигидаги «Ойдинда юрган одамлар», Ўзбекистон ёшлари театрининг «Затоканый апостол» (муаллиф Андрей Макаёнок, режиссёр Обид Абдураҳмонов) спектакллари «Дебют—2012»да голиб ва совриндор бўлди. «Искандар» спектакли 2012 йил октябрда Қозогистонда ўтказилган халқaro театр санъати фестивалида махсус мукофотга сазовор бўлди.

Ўтган йили Минск шаҳрида ўтказилган «Competizione dell'Opera» халқaro вокалистлар танловида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрининг етакчи солисти Раҳим Мирзакамолов биринчи ўринни кўлга киритди. Ёш драматургларнинг пъесалари жамланган «Жозиба» тўплами нашр этилди.

## ТАМОШАБИН САҲНАДАН ЎЗИНИ ИЗЛАЙДИ

Бугун интернет ё телевидение оқибати дунёни кўраётган

томушабиннинг ҳайратини қозониш тобора қийин бўлиб бораётir. Дидали одам спектаклдан янги фикр, янги услуб қидиради, саҳнада ботиний кечинмаларини кўришни истайди.

Бир мисол. «Танҳо юлдузим» спектаклининг вальсга тушиш саҳнасида аёл пластинка кўйгач, мусиқа бошланди. Эрхотин энди рақс бошлаётганда қизи «бас қилинглар», дея кўлидаги патниси ерга урди. Мусиқа тинди. Ёнимда ўтирган аёл ажабланиб, «И-е, патнис ерга тушса, мусиқа қандай ўчади?», деди. Бошқа бир киши «бу театр-ку», дея эътиroz билди. Ўзаро баҳс спектаклдан сўнг давом этди...

— Барча даворда саҳна ҳаёт кўзгуси бўлишга интилиб келган, — дейди Ўзбек Миллий академик драма театри бош режиссёri, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Валижон Умаров. — Ҳақиқий спектаклда, ҳатто нур ҳаракати ҳам маъно ташиши, томошабин эса ҳар бир деталдан янги тасаввур ва фикр олиши, алалхусус, дидини юксалтириши лозим. Шундай бўлса, асар ҳам, томошабин ўз маънавий миссиясини бажарган бўлади. Масалан, «Аёлгў» — мен саҳналаштириган асарлар орасида энг мураккабларидан. Үндаги ҳар бир қўшик ва ҳаракатнинг маъно қатлами анча чукур. Ҳар гал шу спектаклга зал тўлганини кўрсан, елкамдан нафас олгандай бўламан. Чунки бугун факат эринчок ижодкоргина аудиторияни айблаши мумкин.

Театр — ҳаракатдаги жараён. Икки марта ўйналган спектакль ҳеч қачон айнан тақорор бўлмайди. Ҳар қандай саҳна камчилигини эса кейингисида тузатиш мумкин. Бугун истиқлол туфайли қадр топган эзгу фазилатларимиз ва миллий шаънишимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, янада ривожлантиришга хисса қўшиш — асосий вазифамиз. Бунда ҳамиши ҳалқимиз маънавиятига сунямиз.

Масалан, одам савдоси ҳақиқидаги спектаклларда мавзунинг дарди оғир. Унда ҳар бир эпизод, ҳар бир сўз ҳаётӣ ва маънавиятимизга мос бўлmas экан, томошабин уни қабул қилмайди. «Оммавий маданият» таҳди迪 кескинлашаётган ҳозирги вақтда саҳна санъатимизнинг миллий асосларга таянган ҳолда ривожланиши ёшлар маънавиятига ижобий таъсир кўрсатиши шубҳасиз.

## ЗАМОН ҚАҲРАМОНИ – ҚАНДАЙ ОДАМ?

Ҳар бир одам, айниқса, ёшлар спектакль ёки кино, мультфильм ёхуд компьютер ўйини томошасидан, аввало, ўз қаҳрамонини қидиради. Излаганини уйидан тополмаган одамнинг эса кўчага чиқиб кетиши тайин.

Ҳаёт синовларида тобланган фидойи инсон образи жонли бўлса, томошабин унинг кечинмаларини ўзидан топа олса, шу образ ҳалқ қалбидан чукур жой олади. Ҳеч қачон хато ё гуноҳ иш қилмайдиган, ҳар то-

монлама мукаммал одамни бош қаҳрамон, деб билиш дунё санъатида ҳам, томошабин тасавvuрида ҳам аллақачон эскириб улгурди. Реал манзарани натураллаштириш ё бўрттириш эмас, балки бадиий таҳлил ва синтез орқали ифодалаш — бу санъат.

Ўзбек Миллий академик драма театрида Нурулло Аббосхоннинг «Танҳо юлдузим», Кўчқор Норқобилнинг «Тақдир синовлари», Абдуқаҳор Иброрхимовнинг «Сенга бир гап айтаман» асарлари асосида кўйилган спектаклларни кўрдим. Тўғри, асарлар савияси ҳар хил. Аммо улардаги муштарак жиҳат — юксак гуманизмда, инсон ҳамиша азиз эканини англатишга уриниш борлигиди. Балки шу боисдир залга турли ҳудудлардан келган анча томошабин йифилди.

Спектаклларда декорациялар, қаҳрамоннинг ички изтироблари нурлар ва видеопроекторлар, бўюмлар ҳаракатида ифодалангани кўпчиликка манзур бўлди. «Сенга бир гап айтаман» одамлар бир-бирини тинглаши лозимигидан, «Танҳо юлдузим» инсон ҳар қандай ўнда ҳам бахта интилиб яшашидан, «Тақдир синовлари» ҳаётнинг ҳар лаҳзаси мангу имтиҳон саволлари эканидан сабоқ беради.

Айтайлик, «Танҳо юлдузим»да Мурод ака ва Умидга опа фарзандлари қаршилиги туфайли ажралар экан, аёл уйидан кетаётган, энди унга бегона бўлган одамга қаратга «ёқанзини кўтариңг — шамоллайсиз, бошқа пойабзал ҳам сотиб олинг — оёғингиздан нам ўтмасин», деди. Ёки «Тақдир синовлари»да бир умр «колхоз» кўйларини талон-тарож этган «катта»ларга қаршилик кўрсатмаган чўпон Жайрон буванинг ўғли бузук аёлга уйланаман, деб туриб олади. Ота-она қаршилик қилгач, «севиб қолган» ўғил уйдан кетмоқчи бўлади. Жайрон бува эса «демак, ўша қирниф ишларга мен ҳам шерик бўлибман, сенга ҳалол лўзма едира олмабман, мана, ўша хатом мени уриб йикитди, боркетавер», деди.

Шунга ўхаш саҳналар томошабинга инсон ҳамида ахборот эмас, рамз ва ҳаракатлар воситасида фикр бера олади. Дунёни ўзида англаётган, ёвузлик билан ўз қалбida курашаётган инсон бугун ҳам одамлар истаётган қаҳрамоннинг муҳим қирасидир.

## САҲНА ЗАЛДАН БАЛАНД БЎЛГАН

Бадиий жиҳатдан юксак пъеса ва спектакль яратиш ҳар доим долзарб масала бўлиб келган. Бугун ҳам шундай. Фарқли жиҳати — ҳозир санъат турлари орасида рақобат кучли, томошабин зийрак ва ақлли. Инсон қалби учун азалий кураш кескинлашган.

— Мустақиллик даври ўзбек театр санъатининг ўзига хослиги фикр ва фоя эркинлиги, жанрлар ва шакл ранг-бараңглигида, қаҳрамонларнинг ўз-ўзи билан курашининг саҳнага кўчаётганида намоён бўлмоқда, — дейди Ўзбекистон давлат санъат

ва маданият институти санъатшунослик ва маданиятшунослик кафедраси мудири Муқаддас Аҳмаджонова. — Сўнгги йилларда пъесаларда образ ечимида нутқ устуорлигидан воз кечилиб, пластик ҳаракатлар, рақс, мусиқа ва нурлар ижросига кенг ўрин берилмоқда. Илгари бузуб кўрсатилган тарихни фалсафий умумлашмалар билан янгилаш, мумтоз драматургия намуналарини замонавий услуб ва воситаларда саҳналаштириш учун изланишлар олиб борилмоқда. Буларнинг барчasi дунё санъати билан бўйлашилаётганидан далолат беради.

Ўзбек театр санъатининг ёртанги тараққиёти — бугун ҳар бир труппада тенг истеъоддога эга драматург, режиссёр, рассом ва актёрларнинг ижодий бирлашувига боғлиқ. Афсуски, миллий ва умуминсоний қараваларни синтезлай оладиган, ҳалқ тили ва дилини англайдиган ижодкорлар орасида «Устоз-шогирд» анъаналарига анчайин бепарвороқ бўлиш ҳоллари ҳам кузатилмоқда. Оқибатда, устоз кўрмagan шогирдлар кўпаймоқда. Бугун театрларда адабий эмакдошларнинг роли анча пасайгани саҳна асарлари тилининг қашшоқлашишига олиб келмоқда.

Театр ўз ҳолиша тараққий этолмайди. Афсуски, янги спектакллар реклами, тарфботи ва кенг жамоатчилик муҳокамаси талаб даражасида эмас. Кинофильмлар ҳамма жойда реклама қилинади, дисклари минглаб нусхаларда тарқалади. Спектакллар ҳақида бу фикрни айтиш қийин. Айтайлик, айрим давлатларда театр чиптасига ўша куни жамоат транспортида белуп юриш имтиёзи берилган. Ёки чиптага қўшиб театрнинг бир ойлик репертуар дастури берилади. Бу ҳам томошабиннинг маърифат масканига чақиришнинг бир йўли.

Мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларидан спектакллар муҳокамасига бағишиланган алоҳида кўрсатув, эшиттириш ё саҳифалар камлиги ҳам тасуфлидир. Саҳна ва аудитория ўртасидаги бундай узилиш эса ижодий ўзибўларчиликка олиб келиши мумкин. Зеро, саҳна ҳамиша залдан баланд бўлган, юксак санъат асари доим томошабин ички оламидан яралган ва уни ўз ортидан эргаштира олган.

Буюк маърифатпарвар Махмудхўжа Бехбудийнинг «Театр — бу ибратхона» деган фикри бугун ҳам ўз қийматини йўқотгани йўқ. Ёшларга камолот ва саодат манзилига элтажак йўлни кўрсатиш — саҳна ижодкорлари учун таянч нутқа, мангу вазифадир. Зотан, тафаккури теран ва маънавияти бутун ҳалқигина буюк ишларга, ҳар қандай замонавий таҳдид ва муаммоларни енгил ўтишга қодир. Биз ана шундай ўз ҳаёт фалсафаси, яшаш таомилларига эга ҳалқимиз, юксак маданият ва маънавият во-рисларимиз.

**Умид ЁКУБ**

Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар зали, Тошкент фотосуратлар уйи, И.Хирама Халқаро маданият карвон саройи, Камолиддин Беҳзод номли мемориал боб-музейида ва Қорақалпогистон Республикаси ҳамда барча вилоятларда «Тасвирий санъат фестивали» бўлиб ўтмоқда. Ушбу санъат байрами Ўзбекистон Бадиий академияси ва «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан қатор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда ташкил этилган.

## Рангин мўъжизалар

Ёш ижодкорларни кенг жамоатчиликка яқиндан танишириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-кувватлаш мақсадида ўтказилаётган санъат фестивалида ҳар бир томошабин санъат асарининг яратилиш жараёнини кузатиши ва бундан эстетик завқ олиш имкониятига эга бўлади.

Фестиваль доирасида турли кўргазмалар, концертлар, мастер-класслар, миллӣ либослар намойиши, маънавият-маърифат форумлари ўтказилиши режалаштирилган. Кўргазманинг ҳар бир куни Ўзбекистон Бадиий академияси тасарруфидаги муассасалар фаолияти ва вилоятлар санъатига бағишлианди. Унда катта экран ва телемониторларда Ўзбекистон санъат усталарининг ижоди тўғрисидаги фильмларни ҳам томоша қилиш мумкин.

Санъат байрамида таникли мусаввирлар билан бирга, ўқувчилабалар ҳамда ёш рассомларнинг ҳам ишлари намойиш этилмоқда. Бу ерда Япония, Украина, Озарбайжон, Корея Республикаси, Россия каби давлатлардан келган меҳмонлар ўз асарларини томошабинларга намойиш этиб, маҳорат дарсларини олиб боришишоқда.

Санъат ихлосмандлари фестиваль доирасида ташкил этиладиган Япония маданият кунларида анъанавий япон чой ичиш маросими, япон либослари — кимано, оригами санъати, Хирошиго Утагаванинг «Эдонинг 100 хил манзараси» номли рангли ксилографиясини ҳам томоша қилиши мумкин.

Беш кун давомида санъат муҳлислари ижодий жараён билан танишиш орқали портрет «модели» сифатида жараёнда иштирок этиши ёки қўлига қалам олиб рассомлик маҳоратини синаб кўриши мумкин.

«Тасвирий санъат фестивали» 26 апрелга қадар давом этади.

Гулжакон СУВОНОВА

## Устоз кўрган шогирд...

Доно ҳалқимизда устоз ва шогирд муносабати ҳақида шундай мақол ва ҳикматлар борки, улар асрлар давомида шаклланган, ҳаётий тажрибалардан ўтган, кундалик ҳаётда ўз исботини топган. Мантиқий фикрлар ва ҳаётий теран кузатишлар асосида шаклланган бу қарашларда устоз ва шогирд муносабатига алоҳида эътибор қаратилиди. Кисқа, лўнда ибраторумуз панд-насиҳат, нақлларда устознинг шогирдга ва шогирдинг устозга муносабати қандай бўлиши ўз ифодасини топган.

Тилшунослиқда ҳикматли сўз ва мақолларни ўрганадиган фанбор. Мутахассислар уни паремиология дейишади. У табиат ва жамиятда содир бўлаётган ўзгаришлар ва қонуниятларини кузатиш, ҳаётий тажрибалар асо-

сида юзага келган фалсафий хуносаларни ифодаловчи, кишининг турли руҳий ҳолати, ҳисстайғулари, ахлоқий фазилатларини қамраб олган, асрлар оша оғзаки шаклда яшаб келаётган, ихчам ва аниқ, кисқа ва образ-

ли, таъсирчан мақол, матал, афоризмлар, ҳикматли избораларни тадқиқ этади. Демакки, устоз-шогирдлик муносабати ҳақида сўз юритар экан, «Уста кўрган шогирд ҳар мақомга йўргалар, уста кўрмаган шогирд андин-мундин тармалур» мақолини келтиради. Яна бир олим Н.Остроумов фондида сакланадиган хужжатларда мазкур мақолинг «Уста кўрган шогирд ҳар ерга борса, овқат қиласи, уста кўрмаган шогирд ундан-бундан қармалайди» шакли мавжуд.

Европалик тарихчи олим Ҳ.Вамбери ўзининг «Чигатой грамматикиси» номли асарида устоз-шогирд муносабати ҳақида сўз юритар экан, «Уста кўрган шогирд ҳар мақомга йўргалар, уста кўрмаган шогирд андин-мундин тармалур» мақолини келтиради. Яна бир олим Н.Остроумов фондида сакланадиган хужжатларда мазкур мақолинг «Уста кўрган шогирд ҳар ерга борса, овқат қиласи, уста кўрмаган шогирд ундан-бундан қармалайди» шакли мавжуд.

## Мусаффо табиатга ҳеч нарса етмайди

Атроф-муҳит, табиат соғлиги учун курашиш ҳақидаги таълимот ва тушунчаларнинг тарихи узоқ. Масалан, зардустийларнинг «Авесто» китобида ҳам тозаликка риоя қилиш ҳақида ўйтлар бор. Ота-боболаримиз ҳикматларида, динимиз буюрган амалларда, донишманд шоирларимиз асарларида ҳам она табиат мусаффолигини сақлашга, ўзимиз яшаб турган мұқаддас заминни обод этишига даъват этувчи сўзлар кўп.

Дикқат қўисак, оламдаги барча нарса-тартиб билан яратилганини илгаймиз. Замину коинотдаги жисмлар бенихоя аниқлик билан ҳаракатланади, ҳайвонот ва наботот оламидаги мувознатини қаранг. Масалан, фасллар алмашинуви, сувнинг ер билан осмон ўртасидаги та-

биий ҳаракати (ёмғир, қор, дўл шаклида ёғиши ва ердан буг ҳолатда кўтарилиши). Агар ушбу мувозанат кескин бузилса, инсоният учунгина эмас, умуман, Ер юзидағи ҳаёт учун ниҳоятда хавфли оқибатларни келтириб чиқариши ҳеч гап эмас. Ағуски, айнан инсонларнинг қилмишлари

## Нозик ҳаракатлардан — гўзаллик сари

Сиз гимнастрода нималигини биласизми?

Гимнастрода — мусиқага машқларни тўғри жойластириш, ритмга тушириш, машқлар кетма-кетлиги, яни бошдан бошлаб, елка, бел, сёёқ ҳаракатларининг паства қараб давом этиб кетиши, янам тўғрироғи, нозик ҳаракатлардан гўзаллик яратишdir. Гимнастрода билан шуғулланувчи қизлар ташки кўриниш ва юриш-туришда бекаму кўст, ўзаро мулоқотда самимий ва хушмумала, идрокли ва фаол бўлиб тарбияланади.



Нафосат, латофат, чақонлик, эпчиллик миллӣ эстрада куйлари оҳангидаги мафтункор ҳаракатлар. Худди ана шу ҳаракатлар «Гимнастрода — гўзаллик тимсоли»да Тошкент ихтисослаштирилган хотин-қизлар колледжида бўлиб ўтган

спорти фестивалида ўз ифодасини топди.

Спорт фестивалида 12 гурӯхдан иборат ўқувчилар жамоаси мусиқа савиаси, кийиниш маданияти, миллӣлик мавжудлиги, артистизм, машқлар кетма-кетлиги ва

синхронлик — машқларнинг бир хил бажарилиши шартлари бўйича беллашдилар.

Ҳакамлар ҳайъати 5-12-гуруҳини биринчи, 10-12-гуруҳини иккинчи ҳамда 11-11-гуруҳини учинчи ўринга муносиб, дея баҳолади.

Голиб жамоа «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Ҳамза тумани кенгашининг кўчма кубоги билан тақдирланди.

Голиблик суруридан қувончи ичларига сифмаётган ўқувчилардан бирини сухбатга тортди:

— Мен 5-12-гурух ўқувчиси Барно Турғунбоеваман, — деба ўзини танишириди голиб киз.

— Мусобақада фаол қатнашишга ҳаракат қилдим. Бугунги фестиваль кайфиятимизни янада кўтариб юборди. Устоизимиз Ирода Юсупованинг ишончини оқлаганимиздан хурсандимиз. Қолаверса, бугун биз жаҳон чемпионлари билан учрашиб, сухбатлашдик.

Спорт — саломатлик гарови. Айниқса, ютуқлар кўлга киритлаверса, у бошқаларни ҳам ўзига жалб қиласеради, ўз атрофига янгидан-янги истеъоддодларни чорлайверади. Муҳими, ёш авлод баркамол бўлиб вояга етади. Тошкент ихтисослаштирилган хотин-қизлар колледжи педагогик жамоасининг олдига кўйган мақсадларидан бири ҳам, аслида, шу.

**Майсара НАЗАРОВА,**  
«Turkiston» мухбири

Menga so'z bering

Бундай фалсафий хуласалар ҳалқимизнинг «Доно устоиздан аъло шогирд чиқади», «Дарахтига қараб меваси, устасига қараб шогирди», «Ота меҳридан устоз жабри афзал», «Уста бўлсанг, устоизингни унтума» сингари мақолларидан ҳам маълум.

Мақоллар қандай даврада, ким томонидан, қандай вазиятда кўлланишига қараб маъно доирасини кенгайтириб, нутқий таъсирчанликни таъминлашга хизмат қиласи. Мақолни кўллаш сўзловчининг маданиятидан, маънавий қиёфасидан далолатdir.

**Моҳигул БОБОЕВА,**  
Самарқанд давлат чет  
тиллар институти  
ўқитувчиси

O'rnakka munosib

## Ким кўп китоб ўқиўди?

Китоб ҳақида қанча гапирсак ҳам оз. Китоб — инсоннинг энг яқин дўсти ва маслаҳатчisi, билим манбаидир. Китоб фикрлаш куроли, хазиналар калити, тафаккур кони бўлгани учун ҳам уни қадрлаш, ўқишига эҳтиёж кишиларнинг қонқонига сингиб кетган.

Мактабимизда «Китобхон — 2013» танлови бўлиб ўтди. Унда 6-синф ўқувчилари Сардор Зоқиров ва Моҳинур Кулмаматова голиб бўлди.

Мактабимизда билим олиши муносиб учун кўп шароитлар яратилган. Ахборот-ресурс маркази ходимлари ҳам бу борада анча ёрдам бермоқда. Бундан ташқари, ташкил қилинган синф кутубхонаси ҳам биримизнинг изланишда бўлишимизга ёрдам бермоқда.

Кўп китоб ўқиган инсоннинг нутқи ҳам равон бўлади. Бундай ўқувчи яхшини ёмондан, ҳалолни ҳаромдан фарқлайдиган бўлиб камол топади. Буни чуқур англашган тенгдошларим янада кўпроқ китоб ўқишига интилмоқдалар.

**Мехрибон РАВШАНОВА,**  
Сергели туманидаги  
300-мактаб ўқувчиси

Ekologiya

оқибатида табиий экологик ҳолатга путур етётганидан кўз юмиб бўлмайди.

Табиат мусаффолиги бу, авваламбор, инсон саломатлиги учун мухим. Келажак авлодлар соғлом, бакувват, ҳар томонлама етук бўлсин, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, келажакка обод ва гўзал Ватан мерос қолсин, десак, ҳар бир инсон, хусусан, биз, ёшлар ҳам табиатни асрашга бугундан бел боғлашимиз керак. Зоро, инсоният забт этган тараққиётнинг барча чўққилари бир тараф, мусаффо, гўзал, бирор жойига нуқсон етмаган табиат билан тараф бўлса, шубҳасиз, ҳамма мусаффо табиатни танлайди. Биз эса, экологияга зарар етказмайдиган тараққиётни истаймиз.

**Фарруҳ ҲАБИЕВ,**  
Эркин ЭШОНҚУЛОВ,  
Жиззах давлат педагогика  
институти талабалари

# Үқишида аъло, спортда чаққон болалар



Улар Сирдарё вилояти Ховос туманинаги 9-мактабда ўқииди. Ҳозирги кунда мактабдаги барча ўқув хоналари замонавий жиҳозлар билан таъминланган.

Жавохир Ҳасанов, Моҳина Алимова, Шоҳжоҳон Абдумаликов сингари аълочи ўқувчиларнинг фан олимпиадаларида юқори ўринни эгалланлиги, Арофат Холбоева, Муниса Отамуродова, Ислом Ҳошимов, Давлат Каримкулов, Аҳмаджон Набиев каби зуко

ўқувчиларнинг билимлар беллашувидағи фаоллиги, 5-синф ўқувчиси Арофат Холбоеванинг мазкур беллашувида она тили фани бўйича республика босқичига йўлланма олганлиги мактабда сабоқ берётган фидойи ўқитувчиларнинг меҳнати самарасидир.

Она тили ўқитувчилари Шоҳсанам Умрзоқова, Норинисо Эрбўтаева, кимё ўқитувчиси Бахтиёр Йўлдошев, информатикадан Усар Зокировнинг ўзига хос ижодий тажрибалари ибратлидир. Айнан уларнинг ўқувчилари вилоят ва республика фан олимпиадалари ва билимлар беллашувида юқори ўринларни эгаллаб келишапти.

Ўқувчиларнинг қунт билан билим олишларида маъна-

вий-маърифий тадбирларнинг аҳамияти катта. «Камалак» билимдонлари кўриктанловининг туман босқичида голиб чиккан мактаб жамоаси вилоят босқичида қатнашиш ҳуқуқини кўлга киритиб. «Ораста қизлар» клуби аъзоси Зарнигор Аҳмадкулова эса, республика босқичида иштирок этиш учун қизғин ҳозирлик кўрмоқда.

Ҳозир мактабда 38 та фан ва 7 та спорт тўғараги фаoliyat юритади. Уларга жами 760 нафар ўқувчи жалб этилган. «Оила — маҳалла — таълим муассасаси» маркази ташкили этилган, режа асосида учрашув ва давра сухбатлари, жонли мулокотлар ўтказиб борилади.

Ta'lim taraqqiyoti

Ҳеч муболагасиз айтиш мумкини, мактабда спортга, соғлом ва баркамол авлодни камол топширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Буни биз таэквондо ва бадиий гимнастика бўйича қўлга киритилаётган ютуқлардан яқъол билиб олишимиз мумкин. Ўқувчилардан икки нафари — 7-синф ўқувчилари Малика Хонназарова ва Фотима Эралиева таэквондо бўйича республика биринчилигига 2-ўринни эгаллади. Шунингдек, 3-синф ўқувчиси Диляновоз Толибжонова ўз тенгдошлири орасида Ўзбекистон чемпионлигини қўлга киритиб, Осиё чемпионатида қатнашадиган бўлди. 6-синф ўқувчиси Ирода Яхшибоева эса вилоятда 2-ўрин соҳибига айланди.

Бадиий гимнастика бўйича 9-синф ўқувчиси Ситора Дона боева туман ва вилоятда голибликни қўлга киритиб, Бухоро шаҳрида ўтказилган республика турнирида иккинчи ўринни эгаллади. Шунингдек, Дилюша Абдувалиева, Нозима Султонова ҳамда Сабрина Ражабованинг эришган натижалари ҳам таҳсинга лойик.

Бу йил мактабни 108 нафар ўқувчи битиради. Уларни таълимнинг кейинги босқичига жалб этиш ишлари қизғин олиб борилаяпти. Битирувчилар ўртасида бир неча маротаба сўровномалар ўтказилиб, уларнинг отоналари, худуддаги академик лицей ва касб-хунар коллежлари вакиллари билан учрашувлар ташкил этилмоқда.

**Ашурали БОЙМУРОД,**  
«Turkiston» мухбири



## Ўзиники панд берди

Австрия меҳмонхоналарида бирининг директори Томас Флитвуд ўз меҳмонхонаси лифтida нақ турт кун қамалиб қолди.

Қанча бақирса ҳам ҳеч ким эшитмаганидек, телефонини ҳам хонада қолдиргани панд берди. 58 ёшли Томас амаки лифтда оч ва ташна холда ўтирган. Фақатгина тўртинчи кун деганда меҳмонхона нон ташувчиси бечора директорни куткарди. Нон ташувчининг сўзларига қараганда, Флитвуд унга хона калитларини берган ва текшириб туришини айтган эди. Унинг бу ишончи ўзига фойда берди. Флитвуд эса ҳарбий курсларга қатнашадигани сабаб бу ташалик унга жисмонан ва руҳан тайёргарликда ёрдам берганини ҳамда қамалиб қолган вактида келажак режаларини тузганини айтди. Шу сабаб кўп ҳам кўркмаган ва яна бир неча кунга сабри етишига ишончи комил бўлган. Бироқ унинг бу сўзларига ҳамма ҳам ишонди, дейиш қийин. Кўпчилик буни меҳмонхона эгасининг баҳоналари сифатида қабул қилмоқда.

## Муҳожирлар жанжални

Литванинг муҳожирларни рўйхатга олиш марказида икки давлат фуқаролари ўртасида жанжал бўлди.

Беш грузин ва олти вьетнамлик таксофон устида жанжал чиқарган. Натижада, марказнинг навбатчи ҳарбийлари низони куч ишлатиш ўюли билан тўхтатди ва тартиббузарларнинг барчасини алоҳида-aloҳида хонага қамаб қўйди. Шунингдек, навбатчи ҳарбийлар муҳожирлардан баъзиларининг қўлига қишиш солишга ҳам мажбур бўлган. Ўн бир тартиббузардан бири қўлидан олган оғир жароҳати туфайли шифохонага юборилди.

## Омади бор экан

Австралиянинг шимолий қисмида француз денгизчиси Йоанн Галеранга салкам уч метрлик тимсоҳ ҳужум қилди.

Маълумотларга кўра, биринчи марта Австралияда бундай тимсоҳнинг ҳужуми ўлим билан якун топмади. Қаҳрамон бўйни ҳамда елкасидан жароҳатлангани сабаб шифохонага ётқизилди. Галераннинг сўзларига қараганда, у қирғоқдан тўрт-беш метр узоқлашганда тимсоҳ ҳужум қилиб қолган. Бироз ўзини йўқотиб қўйисида, денгизчи тимсоҳни енгди.

Шунингдек, гувоҳларнинг сўзларига кўра, одатда, етти метрчага бўладиган тимсоҳнинг уч метрлигининг учраши, бу — Галераннинг омади. Австралия қирғоқларида доимий бўлаётган тимсоҳлар ҳужуми туфайли кўнгиллilar томонидан махсус куткарув хизмати тузилган бўлиб, улар айни вақтда тимсоҳларга турли қопконлар қўйишмоқда. Ҳозирга қадар уларнинг ёрдами билан бир қанча хавфли ҳолатларнинг олди олинди.

Интернет манбалари асосида  
Жавохир КАРОМАТОВ тайёрлади

# Юксалаётган тоғлар

Шавкат Раҳмон мустақилликни соғиниб яшаган эди. Шоир бу истагини ўтган асрнинг 70-80 йилларида ўз шеърларида айта олди. Курашкан шоир ўша даврда жасорат билан озодликни куйлади. Куйлашнинг ҳам турли хил усул ва йўсунлари бор. Шавкат Раҳмоннинг қайси бир шеърини олиб қараманг, Ватанни севиш, унинг ҳар бир гўшаси, тупренини ардоқлашга, эъзозлашга, қадрлашга даъват сезилиб турди.

Шавкат Раҳмон фикрини, истагини яширмасдан, пардаламасдан айтади. У шеърларида холис кузатувчи ёки сермулозамат мезбон эмас, юртнинг ватанпарвар фарзанди бўлиб қўринади.

Шоир Шавкат Раҳмон шеъриятида ҳис-туйғу, фикр умуминсоний дардга йўғрилади, ҳақиқий бадиий воқееликка айланади.

Шавкат Раҳмоннинг жасоратга ундовчи шеърлари кишини руҳлантиради. Унинг нияти холис, пок. Ижодкор ўз гоясини рамзлар воситасида ифода этади.

Шавкат Раҳмон зилол сувлар жилдирاب оқаётган, мусаффо ҳавоси роҳат бағишлайдиган тоғларда ўтов тикиб яшашни орзу қилган. Шу сабаблими, унинг шеъриятида тоғ образи алоҳида ўрин тутади. Шоир бу образга жуда кўп маънони сингдириб юборади. Гоҳида тоғ инсоннинг ички кечинмалари йўсунинда тасвirlанса, гоҳида инсоннинг ўзи сифатида намоён бўлади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам бу образ шеърда бадиийлик ва образлилик рамзи эканлиги билиниб турди. Шавкат Раҳмон-

нинг тоғ образи билан боғлик шеърларини алоҳида туркум сифатида ҳам қабул қилиш мумкин.

Шавкат Раҳмоннинг «Ёш тоғлар» шеъри бадиийликнинг гўзал намунаси, десак, муболага бўлмайди. Гарчи шеър табиат лирикаси йўналишида бўлса-да, шоир унда рамзлар орқали ўтмишни ёдга олади. Унинг наздида, ухлаб ётган тоғлар бизга улкан илмий меросни хазина қилиб ташлаб кетган аждодларимиз бўлиб қўринади. Бу хазиналардан бутун дунё баҳраманд бўлганини айтмоқчи бўлади.

Куч ёғилган гавдаларини саратоннинг ўтига тоблаб, очиб қўйиб ҳазиналарин, ухлаб ётар ўспирин тоғлар.

Кейинги мисраларда шоир мақсадини очиб айтади. Унингча, йўловчилар мангу сафар олдидан бирпаст гина нафас ростлашга чоғланишади.

Гўё мангу сафарга чиқкан йўловчилар ҳорган қўйича, ўтиргану

бирлас мизғиган сирқираган сувлар бўйида.

Шеър сўнгидаги шоир мақсади аёнлашади. Содда болалар — Ватан тарихи, унинг ўтмиши. Улар бир нафасагина кўз юмган эдилар. Истибоддод натижасида орадан миллион йиллар ўтди. Содда болаларнинг бир нафасга кўз юмиши авлодларнинг минг йилликка эга тарихдан миллион йиллар ажратиб қўйилишига сабаб бўлган. Шоир бунда аждодлардан нолимайди, балки бир нафасдан сўнг уйғотиши учун «пойлоқчиликка» қолган хоинларга ўз нафратини сочади. Агар улар ўз эътиқодида мустаҳкам турганида эди, ўзбек ҳалқи мустамлака бўлмасди, демоқчи бўлади.

Тоғ образи Шавкат Раҳмон шеърларининг бадиий баркамоллигини таъминлашда муҳим бадиий асосга айланган.

Мунаққидлар эътироф этишганидек, у асл шоир сифатида табиат орқали инсон шахсини тадқиқ этишни кўзда тутади. «Тоғ хўрсиниб юборди оғир». Ҳаёт муаммоларидан, хиёнатлардан, зулмдан чарчаган инсон, ҳалқ оғир хўрсинди. Шавкат Раҳмон ҳалқ дарди билан яшади.

Шавкат Раҳмон юртга, ҳалқимизга, мамлакатимизга чин дилдан муҳаббат қўйган эди...

**Отабек МАЖИДОВ,**  
ЎзМУ талабаси

Nigoh

